

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

АХМЕДОВ ХОЛХЎЖА РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИ МАРКАЗИЙ ҚИСМИДАГИ
НЕФТГАЗ ТУТҚИЧЛАРИНИ ҲОСИЛ БЎЛИШ ТЕКТОНИК
ШАРОИТЛАРИНИНГ РУТБАЛИ ПАЛЕОТЕКТОНИК ТАҲЛИЛИ**

04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract doctor of philosophy (PhD)

Ахмедов Холхўжа Рахматуллаевич

Бухоро-Хива региони марказий қисмидаги нефтгаз
тутқичларини ҳосил бўлиш тектоник шароитларининг
рутбали палеотектоник таҳлили..... 3

Ахмедов Холхўжа Рахматуллаевич

Ранговый палеотектонический анализ тектонических
условий формирования ловушек нефти и газа центральной
части Бухаро-Хивинского региона 22

Akhmedov Kholkhuzha Rakhmatullaevich

Rank Paleotectonic Analysis Tectonic conditions for the formation
of oil and gas traps of the central parts of Bukharo-Khiva region 40

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

АХМЕДОВ ХОЛХЎЖА РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИ МАРКАЗИЙ ҚИСМИДАГИ
НЕФТГАЗ ТУТҚИЧЛАРИНИ ҲОСИЛ БЎЛИШ ТЕКТОНИК
ШАРОИТЛАРИНИНГ РУТБАЛИ ПАЛЕОТЕКТОНИК ТАҲЛИЛИ**

04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/GM91 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида ҳамда Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «Ziyouet» ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Умурзаков Раҳимжан Абдуразакович геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юлдашев Ғафур геология-минералогия фанлари доктори Ҳожиев Баҳтиёр Илхомович геология-минералогия фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «30» ноябр кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзили: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок, 507 х.; e-mail: igimigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4331 рақам билан рўйхатга олинган). Манзили: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок; e-mail: igimigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «15» ноябр кuni тарқатилди.
(2023 йил «11» сентябрдаги 72 рақамли реестр баённомаси).



Т.Х. Шоймуратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг раиси, г.-м.ф. д., к.и.х.

М.Г. Юлдашева
Илмий даражалар берувчи, илмий кенгашнинг илмий котиби, г.-м.ф. д., к.и.х.

Богданов А.Н.
Илмий даражалар берувчи, илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефт ва газ конларининг қидирув-разведка амалиётида асосий нефтгазли регионлари ҳисобланган йирик чўкинди ҳавзаларида палеотектоник таҳлил методини қўллашга асосий эътибор берилмоқда. Бундай эътибор углеводород (УВ) тутқичлари ва уюмларининг ҳосил бўлиш ёшини (вақтини) аниқлаш зарурияти билан боғлиқ. Палеотектоник таҳлилнинг қалинлик таҳлили, фация таҳлили, палеотектоник кесим тузиш каби методлари кенг қўлланилиб, улар асосида нефт ва газ конларини ҳосил бўлишининг геологик шароитлари ва геохронологияси ҳақида зарур маълумотларни олиш учун нефтгаз геологиясининг асосий воситаси ҳисобланади. Шу боис, нефтгаздор структураларининг ҳосил бўлиш тектоник шароитини рутбали палеотектоник таҳлил қилиш уларни ажратишдаги ишончлилиқни таъминлаш аҳамиятига эга ҳисобланади.

Жаҳонда тектоник ва геодинамик маълумотларга асосланган нефт-газ тутқичларининг ҳосил бўлиш шароитларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, кесимни бурмачан элементларини тектоник шароитлари ва ёшини белгилаш; нефт ва газ тутқичларини тури ва ҳосил бўлиш шароитларини аниқлаш, нефтгазли горизонтларни структуравий-тектоник режасига аниқлик киритиш, турли рутбали тектодинамик системалармоделларини ишлаб чиқиш, “рутбали тарихий-тектодинамик таҳлил” усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қидирув-разведка ишларининг унумдорлигини ошириш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида «..соҳани янада ривожлантириш, такомиллаштириш, жадаллаштириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, фактик геологик маълумотларга асосланган, нефт ва газ конларини излаш методларини такомиллаштиришга йўналтирилган рутбали палеотектоник таҳлил, мезозой ётқизиқлари горизонтида потенциал нефтгазли структураларни аниқлаш имконини бериши ҳамда углеводород ресурсларини кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдан аги ПП-3578-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори, 2019 йил 23 июлдаги ПП-4401-сон “Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал –хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 й. ПФ-60-сон “2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар” (геология, геофизика, сейсмология ва минарал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чоп этилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқотчилар нефтгаз тўпланишида структурали-геологик мезонларни етакчи аҳамияти ҳақида қайд этишган, тутқичларни ҳосил бўлиш вақти ва уларда УВ уюмларини тўпланишининг ўзаро муносабатига муҳим аҳамият қаратилган. Нефтгаз тутқичлари ва уюмларининг ҳосил бўлиш шароитини ўрганишда палеотектоник таҳлилнинг аҳамиятига катта эътибор қаратилмоқда. Палеотектоник таҳлил методларининг назарий асосларининг муфассал таҳлили ва таърифи В.В.Белоусов (1948), М.Я.Рудкевич (1974), К.А.Машкович (1976), В.Б.Нейман (1984), Н.И. Воронин (1999), В.М. Мухин, А.Т. Колотухин (2011), И.Х. Халисматов (2010) ва бошқаларнинг ишларида келтирилган. Платформа (тадқиқот олиб борилаётган Бухоро-Хива регионинг марказий қисми ҳам шу турдаги ҳудудга киради) ҳудудларида М.Я.Рудкевич (1974), А.Х.Нугманов, (2010) йирик геоструктура элементларига мансублигига қараб учта тоифали нефтгаздор зоналари ажратишган: 1) биринчи даражадаги плита ичи кўтарилмалар областлари ва районлари; 2) камар, поғона, чизиқли структуралар кетма-кетлиги, шунингдек турлича чўзилган ва камайиб кетган тасмалар, бир тоғ жинсларининг бошқа жинслар билан литологик алмашинуви, стратиграфик ва тектоник турдаги номувофиқлар билан мураккаблашган ботиқлик ён ба-рилари ва мегаэгиқликлар областлари ва районлари; 3) учинчи тоифага иккинчи даражали кўтарилмалар мужасамлашган ботиқликдаги бўртиқлар киритилган. Ҳозирги кунга қадар палеотектоник тадқиқотлар таърифи нефтгаз уюмларининг тарқалиш хусусиятларини белгилаган структурали-тектоник кўрсаткичлар билан бир қаторда ёритиб келинган. Бунда А.А.Бакиров, Э.А.Бакиров, Г.А.Габриэлянц, А.Р.Ходжаев, А.М.Акрамходжаев, М.С.Сайдалиева, П.К.Азимов, А.Р.Мухидовлар катта ҳисса қўшишган.

Бухоро ва Чоржўй поғоналарининг тадқиқот ўтказиладиган ҳудуди иккинчи тоифага мансуб ва бу ерда турли структуравий элементлари билан мураккаблашган ботиқлик ён бағрилари ва кўтарилмалари билан намоён бўлган. Юқорида қайд этилган муаллифлар ва кейинчалик А.Х.Нугманов (2005-2012) томонидан палеотектоник тадқиқотлар объекти ҳисобланган тутқич тузилмаларининг ҳосил бўлишида палеогеографик, геокимёвий шароитлар, шунингдек ҳосил бўлиш вақти мезонлари муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланган. Палеотектоник таҳлил методи асосида нефтгаз уюмларининг турли типдаги тутқичларининг ҳосил бўлиши мумкин бўлган тектоник тузилиш хусусиятлари аниқланган. Конларнинг аксарияти структуравий ва ноструктуравий тутқичлар шакилланган йирик

ботикликларда жойлашганлиги аниқланган. Тутқичларни шакиланишида палеогеографик, геокимёвий шароитлар, шунингдек тутқичларни ҳосил бўлиш вақти мезони муҳим аҳамият касб этиши ҳақида М.И.Бурцев, БХР бўйича А.Х.Нугманов ўзининг ишларида қайд этишган. Бу шароитлар ва кўрсаткичларнинг аксарияти палеотектоник тадқиқот объекти ва предмети ҳисобланади. М.Я.Рудкевич тутқичларни ҳосил бўлиш вақти ва УВ тўпланиш орасидаги муносабатга катта эътибор берган. Э.А.Бакиров ҳамкасблари билан Ўрта Осиё бўйича материаллар таҳлили асосида палеотектоник омиллар нефтгазли системаларининг фазавий (нефтли, газли, нефтгазли ҳолати) мувозанатини белгилайди деб хулоса қилишган. Нефтли уюмлар кўп бўлган зоналар конседиментацион ривожланиши билан содир бўлган ўтказувчан чўкинди комплекслари йиғилиши олдидан мавжуд бўлган йирик кўтарилмалар билан боғлиқлиги қайд этилган.

Ҳозирги вақтда палеотектоник таҳлил маълумотлари қуйи бўр ва юқори юра карбонат ётқизикларининг геологик тузилиши қонуниятларини аниқлаш учун қўлланилган ва бу асосида юқори бўр ва ўрта юра терриген ётқизикларида турли типдаги нефт ва газ тутқичларининг ривожланишини прогнозлаш амалга оширилган (Б.Хожиев, 2022). Аммо, шунингдек тақдирлаш жоизки, ётқизикларнинг қалинлик таҳлилига асосланган аввалги палеотектоник тадқиқотлар турли рутбалардаги тектоник ҳаракатлар ва деформацияларнинг таъсирини ҳисобга олмай бажарилган – турли масштабга ва генезисга эга омиллар билан боғлиқ бир бирини устига тушган маълумотлардан фойдаланилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Бухоро-Хива нефтгазлиги билан боғлиқ структуравий тектодинамик элементларининг чуқурлик бўйича ўзаро муносабатларини тадқиқот қилиш» (2019-2021), «Замин нефтгазлигининг башоратида геодинамик ёндашишни қўллаган ҳолда локал углеводород тўплamlарини излаш ва разведкаси методларини такомиллаштириш» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро-Хива региони марказий қисмидаги нефтгаз тутқичларининг ҳосил бўлиш палеотектоник шароитларини ва нефтгазли зоналарини рутбали палеотектоник таҳлил асосида аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

палеотектоник усуллардан нефт-газ геологияси вазифаларини ҳал этишда фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш ва рутбали ёндашув заруратини асослаш; мезозой-кайнозой тектодинамик системаларининг тегишли вақт интерваллари бўйича тектоник ҳаракатлари ва деформацияларини рутбали таркибларига ажратиш;

ажратилган рутбали (биринчи, иккинчи ва учинчи даражадаги) тектоник ҳаракат ва деформацияларининг тарихий-геологик ривожланиш

хусусиятларини аниқлаш ва ҳудудни мезозой-кайнозойда ривожланиш палеотектоник кўрсаткичи бўйича типлаштириш;

углеводород конларини ҳудуднинг тарихий-геологик ривожланиш кўрсаткичи бўйича тақсимланиш хусусиятларини аниқлаш ва нефтгаздор зоналарини ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро-Хива региони марказий қисмининг тектоник тузилмаси ва нефтгазлилиги олинган.

Тадқиқотнинг предмети Бухоро-Хива региони марказий қисмидаги нефтгаз тутқичлари ҳосил бўлишининг палеотектоник хусусиятларини аниқлаш ва нефтгазли зоналарини ажратиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кудуклар қисми бўйича қалинлик хариталарини тузиш, уларни таҳлил қилиш; анъанавий тарихий–структуравий таҳлил методикаси, рутбали палеотектоник таҳлил методикаси, қалинликлар таҳлили, изопахит учбурчак методларидан тектоник ҳаракатларни рутбаларга ажратиш декомпозиция методикасидан ҳисоблар бажариш ва хариталар тузиш компьютерли ва дастурий воситалардан (Exel, CorelDraw, Surfer ва бошқалар) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

рутбали таҳлил асосида Бухоро-Хива регионинг марказий қисмини тектодинамик система ҳаракатларининг турли фазаларида структуравий режани шакилланиш тарихи хусусиятлари аниқланган;

мезозой-кайнозой тарихида палеотектоник режимнинг ўзгариш хусусияти бўйича: биринчи рутбада учта босқич (юра-бўр, палеоген ва неоген-тўртламчи); иккинчи рутбада – иккита босқич (юра-бўр, палеоген-неоген-тўртламчи, охиргисининг кучайиши билан); учинчи рутбада – эрта ва ўрта юрадан бўр давригача вақтда меросли-узлукли ривожланиши билан тавсифланган ва палеоген - неоген-тўртламчи даврда структуравий шаклининг ўзгариши билан кузатилган босқичлар аниқланган;

терриген ва карбонат горизонтларида учинчи рутба даражасида тарихий-тектоник ривожланиши бўйича учта турдаги майдон ажратилган: 1- эрта ва ўрта юрада ҳосил бўлган ва мезозой-кайнозойнинг кейинги барча босқичларида узоқ мудатли ўтмишдан мерос бўлиб, узлукли ривожланиши билан намоён бўлган; 2-эрта ва ўрта юрада ҳосил бўлган, аммо, ўтмишдан мерос бўлиб фақат палеоген даври бошланишигача ривожланган; 3 - фақат неоген-тўртламчи даврда шакиланган локал тузилмалар жойлашган майдонлар аниқланган;

Бухоро-Хива регионинг марказий қисмида учинчи рутба даражасидаги локал тузилмаларининг ривожланиш ва шакилланиш ёши кўрсаткичлари бўйича еттига тоифадаги нефтгазга потенциал зоналари сифатига эга палеотектоник зоналар ажратилган;

турли ёшда ҳосил бўлган антиклинал тузилма-тутқичларда нефтгазли уюмларининг жойлашувининг таҳлили асосида УВ уюмлари нафақат қадимги тузилмаларда учраши, палеоген-неоген-тўртламчи даврларда ҳосил бўлган структураларда ҳам учраши, неоген-тўртламчи даврлардаги ёш антиклинал структураларда асосан газконденсат уюмлари тарқалганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мезозой-кайнозой тарихининг турли интервалларидаги структуравий шаклларининг ривожланиш хусусиятларини ифодалаган учта (биринчи, иккинчи ва учинчи) рутбали тектоник ҳаракатлар ва деформациянинг хариталари тузилган;

Бухоро-Хива регионинг марказий қисми учун юра ётқизиқларининг учинчи рутбали локал структураларининг тарихий-тектоник ривожланиш тури бўйича уч тоифадаги майдон ажратилиши билан намоён бўлган палеотектоник районлаштириш харитаси тузилган;

Бухоро-Хива регионининг марказий қисми ҳудуди учун етита категорияли потенциал нефтгазли палеотектоник зоналар ажратилган, ва ажратилган зоналар ва майдонларда қидирув ишларини оптимал ташкил қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация натижаларининг ишончлилиги чўкинди ётқизиқлар қалинлиги бўйича кудуқлардан олинган ишончли материалларидан, шунингдек, аввалги тадқиқотчиларнинг синовдан ўтган палеотектоник материалларидан фойдаланилганлиги билан ҳамда қалинлик маълумотларини тарихий-структуравий таҳлил классик методлари ёрдамида ишлов берилиши билан изоҳланади. Ҳисоблар ва қурилмалар бажаришда юқори аниқликдаги компьютер воситаларидан фойдаланилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигига асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти регионнинг палеотектоник хусусиятларини ўрганишда янги рутбали, системали-иерархик ёндашув методологияси қўлланилиши ва регионнинг умумий структуравий шакли ҳосил бўлишида турли рутбалардаги тектоник деформацияларининг тарихий-геологик улуши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: Бухоро-Хива регионинг марказий қисми ҳудуди учун янги палеотектоник районлаштиришнинг хариталари, тарихий-геологик ривожланиш тури бўйича фарқланадиган майдонлар ва потенциал нефтгаздор зоналари хариталари тузилган, ажратилган майдонларда ва зоналарда қидирув ишларининг оптимал ташкил этиш ҳамда усулларни танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро-Хива региони марказий қисмидаги нефтгаз тутқичларини ҳосил бўлиш тектоник шароитларининг рутбали палеотектоник таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бухоро-Хива региони марказий қисми ҳудуди учун илк бор тузилган мезозой-кайнозойдаги алоҳида интервалларининг турли рутба (биринчи, иккинчи ва учинчи) даражадаги тектоник ҳаракатлар ва деформацияларини ифодалаган хариталари “Ўзбекгеофизика” АЖ Яккабоғ геофизика экспедицияси ишлаб чиқариш фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геологияси вазирлигининг 2023 йил 20

июндаги 08-1743-сон маълумотномаси). Натижада, Бухоро-Хива региониди кидирув-разведка ишларининг тектоник асосларига аниқлик киритилиб кидирув ишларининг ишончилигини ошириш имконини берган;

Бухоро-Хива региони марказий қисми худудининг палеотектоник зоналарининг етгита категорияга ажратилиши асосида тузилган истиқболли потенциал нефтгазор зоналари харитаси “Ўзбекгеофизика” АЖ Яккабоғ геофизика экспедицияси ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ Муборак нефтгаз казиб чиқариш бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геологияси вазирлигининг 2023 йил 20 июндаги 08-1743-сон; “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2023 йил 27 майдаги 05-25-1-25-сон маълумотномалари). Натижада, излов-қидирув ишларининг оқилона режалаштирилиш ва самарадорлигини ошириш имконини берган;

тутқиқлари ҳосил бўлишининг турли тарихига эга бўлган майдонларни ифодалаган эрта ва ўрта юра ётқиқларининг палеотектоник районлаштириш харитаси “Ўзбекгеофизика” АЖ Яккабоғ геофизика экспедицияси ишлаб чиқариш фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геологияси вазирлигининг 2023 йил 20 июндаги 08-1743-сон маълумотномаси). Натижада, янги истиқболли майдонларида кидирув-разведка ишларини оптимал режалаштириш имконияти таъминланган ва ишончилигини ошириш имконияти яратилган;

ажратилган истиқболли зоналарда ва майдонларда биринчи навбатдаги геофизик қидирув ишлари методларини танлаш ва оптимал ташкил қилиш бўйича тавсиялар “Ўзбекгеофизика” АЖ Яккабоғ геофизика экспедиция ишлаб чиқариш фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геологияси вазирлигининг 2023 йил 20 июндаги 08-1743-сон маълумотномаси). Натижада, кидирув-разведка ишларининг рационал геофизик усулларини танлаш асосида самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 халқоро конференцияларда ва 4 республика илмий амалий ва илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 илмий ишлар эълон қилинган, шу жумладан, 6-та илмий мақола (3-таси хориждаги, 3-таси республикадаги) Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси томонидан диссертация тадқиқотларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган журналларида чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишининг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Нефт ва газ конларини излашда палеотектоник тадқиқотларнинг ҳолати”** деб номланган биринчи бобида нефтгаз геологиясига оид бўлган вазифаларни ечиш учун палеотектоник тадқиқотларни аҳамияти, палеотектоник таҳлилнинг моҳияти ва методлари, тадқиқот ўтказиладиган регионнинг геологик тузилиши, тектоник ривожланиши ва нефтгазлилиги баён қилинган, шунингдек палеотектоник тадқиқотларда рутбали таҳлилни қўллаш зарурияти асосланган. Боб 4 бўлимдан иборат. Бобнинг биринчи бўлимида нефтгазли регионларнинг геологик тузилишининг хусусиятларини ўрганишда палеотектоник методнинг ривожланиш ҳолати баён қилинган.

Нефтгаз геологияси вазифаларини ечишда ва асосан нефт ва газ конларини излаш учун палеотектоник тадқиқотларнинг аҳамияти асосланган тадқиқотчилар номлари қайд этилган. Булардан В.В.Белоусов (1948), М.Я.Рудкевич (1974), К.А.Машкович (1976), В.Б.Нейман (1984), Н.И.Воронин (1999), А.Х.Нугманов (2010), В.М. Мухин, А.Т. Колотухин (2011), И.Х. Халисматов (2010) ва бошқаларнинг ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Палеотектоник таҳлилнинг моҳияти ва (қалинлик таҳлили, палеотектоник кесмалар тузиш ва б.) методлари, тектоник структураларнинг ривожланиши хусусиятлари ва уларнинг ҳосил бўлиш шароитларини ўрганишда палеотектоник таҳлилнинг вазифалари баён қилинган. А.Г.Бабаев, М.Э.Эгамбердыев, А.Х.Нугманов ва бошқаларнинг ишларида регион бўйича палеотектоник таҳлил элементлари ёритилганлиги қайд этилган.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими тадқиқот ўтказиладиган регионнинг геологик тузилиши ва нефтгазлилиқ элементлари ҳақидаги маълумотларни ўзида қамрайди. Бухоро-Хива региони (БХР) нефтгазлилиқ жиҳатдан энг яхши ўрганилган регион ҳисобланади. Бу ерда кўп сонли нефт, нефтгаз ва газ конлари очилган. Бухоро-Хива регионинг геологик тузилишини ўрганиш кўчилик тадқиқотчилар ишларида ёритилган, уларнинг орасида қуйидаги тадқиқотчилар ўзининг салмоқли ҳиссасаларини қўшганлиги қайд этилган. А.Н.Чистяков, И.А.Кудрявцев, С.И.Ильин, О.С.Вялов – биринчилар қаторида регионал нефтгазлилиқни прогнозлашган; К.А.Сотириади, А.Г.Бабаев, М.А.Сушкин, В.И.Чернов, Ю.К.Миронов, С.П.Корсаков, О.А.Рыжков, М.Х.Арифжанов П.У.Ахмедов, А.Г.Ибрагимов, Н.Х.Алимухамедов, М.Э.Эгамбердыев, А.М.Акрамходжаев, А.А.Абидов, М.Н.Нурматов,

Г.С.Абдуллаев, Ф.Г.Долгополов, А.Н.Богданов ва бошқалар регионнинг геологик тузилиши ва нефтгазлилигини ўрганишда ҳисса кўшишган.

Регионнинг стратиграфик комплексининг, тектоникасининг ва нефтгазлилигининг баёни келтирилган. БХР марказий қисмининг асосан газлилиги (ва газконденсатлиги) билан ажралиб туриши қайд этилган. БХР марказий қисмида нефт конлари кўп бўлмагани, бир қатламли ва кўп қатламли конлар намоёнланиши ёритилган. Аксарият конлар асосан юқори юра карбонат ётқизикларида учраганлиши, кўп қатламли конлар юра ва бўр ётқизикларида учраши, конларнинг ётиш чуқурлиги унча катта эмаслиги тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Бухоро поғонасида конлар юқори юра, қуйи ва юқори бўр ётқизикларида тарқалганлиши, Чоржўй поғонасида эса асосан юқори юра туз ости горизонтида учрашига эътибор берилган. Бу ерда 12 горизонт саноатбоп горизонт сифатида ажратилган бўлиб, булардан XII, XIII ва XV горизонтлар регионал тарқалганлиги билан тавсифланади. Бунда асосан XV-нчи горизонт ажралган юқори юра карбонат комплекси ётқизиклари маҳсулдор геологик формация ҳисобланиши қайд этилган.

Биринчи бобнинг тўртинчи бўлимида А.Х.Нугманов ишига эътибор қаратилган, тадқиқот ўтказиладиган ҳудуднинг углеводород уюмлари тутқичларининг ҳосил бўлиши бўйича аввалги палеотектоник тадқиқотлар натижаларини таҳлили келтирилган. А.Х.Нугманов ҳамкасблари билан биргаликда ўтказилган палеотектоник тадқиқотлар асосида юра-палеоген вақти давомида ҳосил бўлган тутқичлар ўтмишдан узлукли (вақти-вақти билан) ривожланган деган хулоса келишганлиги қайд қилинган.

Диссертациянинг “**Рутбали палеотектоник таҳлил методикаси**” деб номланган иккинчи бобида MZ-KZ тарихининг турли босқичларидаги тектоник ҳаракатлар ва деформацияларнинг рутбали палеотектоник харитасини тузиш методикаси баён қилинган. Боб бешта бўлимдан ташкил топган.

Иккинчи бобнинг **биринчи бўлимида** ҳаракатдаги тектодинамик системанинг миқёсий кўрсаткичларини аниқлаш методикасини баёни келтирилган. Тянь-Шоннинг ғарбий қисми учун ажратилган (Умурзаков, 2008) тектодинамик системанинг миқдорий ва миқёсий кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Бунда танланган тадқиқот миқёсида учта рутбали тектодинамик система ажратилган, ёриқлар узунлиги ва орасидаги ўртача масофа ўртасидаги боғланиш асосида турли рубаларга хос катталиклари аниқланган: биринчи рутба учун 90-160 км, иккинчи рутба - 40-80 км, учинчи - 10-20 км ташкил қилади. Бу миқдорий кўрсаткичлар тектоник ҳаракатлар ва деформацияларнинг рутбаларга ажратишда ўртача қийматлар ҳисоблаш ойнача катталигини танлашда ҳисобга олинган. Бу усулни ёритишга бағишланган бўлимда кенгроқ баён этилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлимида мезозой-кайнозой тарихида турли рубаларга тегишли тектоник ҳаракат ва деформацияларининг “яшаш вақти” давомийлигини аниқлаш методикаси баёни қилинган. Рутбали хариталар

тузишда ушбу вақт оралиқлари давомийлиги ҳисобга олиниши муҳим аҳамиятга эга.

Турли рутбали тектодинамик системаларининг ҳаракат давомийлигини аниқлаш учун региондаги бурғи кудуклар маълумотлари асосида кудук кесимлари бўйлаб тоғ жинсларнинг литологик таркибини (майдазарралидан то дағаллашишигача) ўзгариш ритмограммалари тузилади. Ҳар бир ритмограмма кесим бўйича ўзгаришлар частотаси, амплитудаси ва давомийлиги бўйича гуруҳларга ажратилади. Бундай процедура спектрал таҳлилга ўхшаш бўлади. Гуруҳлар орасидаги фарқланиш ишончлилиги математик статистик усули ёрада баҳоланади ва ритмларнинг давомийлиги бўйича тегишли рутбалар аниқланади. Мезозой-Кайнозой тарихида биринчи рутба давомийлиги - 90-110 млн йил, иккинчи рутба - 20-22 млн йил ва учинчи рутба - 8-10 млн йилни ташкил этиши аниқланган (Умурзаков, 2008). Тянь-Шоннинг ғарбий қисми ва унга туташ Турон платформаси учун Мезозой Кайнозой тарихида биринчи рутбанинг учта ритми бўлиб ўтганлиги қайд этилган, уларнинг ҳар бири ҳаракатларнинг жадаллиги бўйича икки қисмдан - “фаол” ва “пассив” фазалардан ташкил топгани баён этилган. Жами MZ-KZ тарихида биринчи рутбада бешта фаза ажратилган. Диссертация тадқиқот ишида ушбу бешта фаза бўйича қалинлик хариталари турли даражаларга ажратилган.

Биринчи рутба биринчи ритмнинг актив фазасига J_{1-2} ёшидаги ётқизиклар мувофиқ келади, биринчи рутба биринчи ритмнинг пассив фазаси келловей-оксфорд карбонат ётқизикларида мувофиқ келади. Келловей-оксфорд сўнги-киммеридж-титон бошланишидан J_3 эоцен сўнги-олигоцен бошларигача биринчи рутбанинг иккинчи ритми мувофиқ келади. I рутбанинг учинчи ритмининг бошланиши эоцен-олигоцен чегарасига тўғри келади. БХР марказий қисми ҳудуди учун мавжуд бўлган ётқизиклар қалинлиги ҳақидаги маълумотлар биринчи рутбага мувофиқ ритм ва фазаларга яқин вақт оралиғини танлаш имконини беради.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлимида амплитуда изочизиклари билан намоён бўлган тектоник ҳаракатлар ва деформациялар хариталарни рутбаларга ажратиш методикаси баён қилинган. Бирламчи харитани рутбаларга ажратиш учун декомпозиция методикаси (Николаев, 1992; Умурзаков, 2008) қўлланилган.

Методикани амалга ошириш учун босқичма-босқич “силжиш ойнаси методи” билан танланган минимал “ўртача қийматни ҳисоблаш ойнаси” да ҳаракатлар амплитудасининг ўртача қийматини ҳисоблаш амалга оширилади. Бунда “силжиш ойнасининг” қуйидаги ўлчамлари фойдаланилган 10x10 км, 25x25 км, 65x65 км, 75x75 км, 95x95 км. Ҳосил бўлган хаританинг структуравий шаклининг таҳлили асосида саралаш йўли билан, тектоник ҳаракатлар “спектрал таркиб”ларини аниқлашда “ойнанинг” биринчи, иккинчи ва учинчи рутбаларга мансуб оқилона ўлчамлари 95x95 км, 25x25 км ва 10x10 км бўлиши аниқланган. Ҳисоблаш учун дастлабги харита сифатида А.Х.Нугмановнинг палеотектоник харитасидан фойдаланилган (ажратилган бешта фазалар оралиқлари бўйича изопахит хариталари олинган).

Иккинчи бобнинг тўртинчи бўлимида тадқиқот ўтказиладиган регионнинг тектодинамик системаларининг ҳаракат давомийлиги ҳисобга олинган ҳолда турли рутбадаги палеотектоник хариталарни тузиш методикаси баён қилинган. Реал рутбали палеотектоник харита олиш учун ажратилган тегишли рутбага эга тектодинамик система давомийлигига мувофиқ келадиган вақт оралиғини танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мавжуд материаллардан ва имкониятлардан келиб чиқиб бир-биридан фарқи яққол намоёнлашган геологик вақт интерваллари олинган: эрта ва ўрта юра, кечки юра, бўр, палеоген ва неоген-тўртламчи. Бу вақт оралиқлари тектодинамик системаларининг ажратилган бешта фазасига мувофиқ келади.

Иккинчи бобнинг **бешинчи бўлимида** БХР марказий қисмидаги нефт ва газ тутқичларининг ёши ва ҳосил бўлишини тектоник шароитини аниқлаш учун рутбали тарихий-структуравий таҳлил усулининг баёни келтирилган. Бу усул алоҳида ҳар бир (биринчи, иккинчи ва учинчи) рутбалари учун классик вариантда қуриладиган изопахит учбурчаклар тузишга асосланган. Боб якунида боб бўйича хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиладиган ҳудуднинг мезозой-кайнозойдаги турли рутбали тектоник ҳаракатлари ва деформацияларининг палеоструктуравий хариталари”** деб номланган учинчи бобида мезозой-кайнозой тарихидаги “фаол” ва “пассив” фазаларига мувофиқ биринчи, иккинчи ва учинчи рутба даражасидаги палеотектоник хариталарининг структуравий шакллари хусусиятлари баён қилинган. Учинчи боб учта бўлимдан ташкил топган, ҳар бир бўлим биринчи, иккинчи ва учинчи рутбага мувофиқ палеотектоник хариталар тавсифига бағишланган.

Биринчи рутба даражасида эрта-ўрта ва кечки юрада, шунингдек бўрда умумий ботиклик бўлган, палеогенда структуравий шакли шимолий-ғарб чўзилишига эга кўтарилма субмеридионал йўналишга кескин ўзгариши кузатилган, неоген-тўртламчи вақтда эса шимолий-шарқий йўналишга чўзилган йирик кўтарилма пайдо бўлган. Биринчи рутба ҳаракатларининг умумий амплитуда йиғиндиси 800-1000 метрни ташкил қилган. Лекин, бу структуралар қуйи-ўрта ва юқори юра, бўрнинг чуқур горизонтларида ўз ифодасини топмаган. Бу юра ва бўр ботикликларининг катта амплитудалиги бўлгани туфайли биринчи рутбадаги ўртача қийматни ҳисоблашда қиришиб кетганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Иккинчи рутба даражасида кўтарилма ва ботикликлар майдон бўйича хилма-хил тарқалиши билан намоён бўлган, ҳар бир фаза ўзига хос структуравий шакли билан тавсифланади. Шу билан бирга, кейинги кечки фазаларда структуравий шакллариининг қисман ўзгариши кузатилиб, Денгизкул кўтарилма зонасини пайдо бўлиши билан яқунланади.

Бўр даврида мақонда умумий чўзилишини сақлаб қолган ҳолда чўкиш зонасининг кенгайиши кузатилади, ва фақат палеогенда структуравий шаклнинг ўзгариши, қичикроқ ботикликлар билан ажралган Когон, Муборак, Газли кўтарилмалари, шунингдек Култук-Кандим кўтарилма зоналари ҳосил бўлиши кузатилади. Неоген-тўртламчи даврга келиб Култук-Кандим кўтарилма зонаси жадал ривожланиши намён бўлдаи.

Учинчи рутба даражасида қуйи-ўрта юра фазасида ҳосил бўлган локал структуралар ҳолатлари кечки юрада сақланиб, қисман бўр даврида ўзгариши кузатилади. Структуравий шакл ўзгариши кескин ўзгариши асосан палеоген ва неоген-тўртламчи даврларда кузатилади. Шимолий-ғарбга чўзилган локал структуралар билан бирга шимолий-шарқ ва субкентгликга чўзилган локал кўтарилма зоналари пайдо бўлади.

Боб якунида боб бўйича ҳулосалар келтирилган, бунда учинчи рутбали структуравий шаклларида кузатилган шимолий-ғарб чўзилишига эга элементлар аста секин шимоли-шарқга чўзилган тузилмалари билан мураккаблашиши қайд этилган. Биринчиси - шимолий-ғарб локал тузилмаларининг ҳосил бўлиши томеозой пойдеворининг блокли ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчиси эса – шимоли-шарқий тузилмаларининг биринчисининг устига тушиши кучланиш майдонининг ўзгариши, палеотектоник таҳлил материалларига кўра, 3 фаза - бўр даври вақти рўй берганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **“Мезозой-кайнозойдаги тектоник ҳаракатларининг турли рутбаларга тегишли структураларини ривожланишининг палеотектоник таҳлили”** деб номланган тўртинчи бобда алоҳида (1-чи, 2-чи ва 3-чи) рутбалар учун изопахит учбурчак кўринишида картографик палеотектоник материаллари, уларнинг структуравий шакллариининг турли фазаларида ўзгаришини таҳлили келтирилган. Боб уч бўлимдан иборат. Бобнинг биринчи бўлимда биринчи рутба ҳаракат ва деформацияларининг “изопахит учбурчагини” таҳлилий баёни келтирилган.

“Изопахит учбурчак”нинг қуйи биринчи қаторидаги хариталар чапдан ўнгга қараб, биринчи фазадан то охириги бешинчи фазагача терриген қатламдаги структуравий шаклларнинг ўзгариб бориши ифодаланган. Эрта-ўрта юрадаги тузилмалар кечки юра фазасида умумий кўриниши сақланиб қолгани, структуравий элементларнинг - кўтарилма-ботиклик чегараси соат миля бўйича бир оз бурилгани қайд этилган. Кўтарилма ва ботиклик орасидаги амплитуда 1000-1200 метрни ташкил этган.

Бўр даври деформацияларининг устма-уст тушиши билан кўтарилма областининг қисқариши ботиш областининг кенгайиши билан намоён бўлади. Ҳудуднинг шимолий -шарқий қисмида унча катта бўлмаган кўтарилма кузатилади. Жами амплитудаси 1500-2000 метрга етади. Бундай структуравий шакл 4-чи – палеоген, ва 5-чи - неоген-тўртламчи фазаларда ҳам, бироқ амплитуданинг ўсиши билан, кузатилади.

Тахминан шундай тенденция “изопахит учбурчакнинг” иккинчи қаторидаги структуравий шакллариининг ўзгаришида ҳам кузатилган. бунда кечки юра горизонтининг ($J_3 \text{ c1+ox}$) кейинги фазалардаги деформациялар таъсиридаги структуравий шаклини вақт бўйича ривожланиши ифодаси топган. Ҳудуднинг умумий чўкиш жараёни давом этиб, шимоли-шарқ қисмида унча катта бўлмаган кўтарилма области намоёнлангани қайд этилган.

Бўр горизонтининг структуравий шаклининг кейинги фазада рўй берган ҳаракат ва деформациялари бироз ўзгаришига қарамай, умумий кўриниши сақланиб қолган. Структуравий шаклнинг сезиларли ўзгариши палеоген

даврига кўзатилади (4-чи фазада). Бунда структуравий шакл иккита йирик элемент билан тавсифланади – меридионал чўзилиши билан намоён бўлган кўтарилма ва ботиқлик, Амплитуданинг жами қиймати 240 – 260 метрни ташкил этган.

Кейинчалик, неоген-тўртламчи даври деформациясини палеоген ётқизиқлари структуравий шакли устига тушганда палеоген ётқизиқларидаги структуралар неоген-тўртламчи давридагиларга ўхшашлиги акс этилган. Шимоли-шарқий чўзилишга эга бўлган йирик кўтарилмали структуравий шакл кузатилади. Максимал нисбий кўтарилма (қалинлик қиймати 330-130 м) ҳудуднинг шимолий-шарқий қисмида кузатилади. Кўтарилма ва ботиқлик орасидаги амплитуда 500 метрдан 520 метргача ташкил қилади.

Неоген-тўртламчи даврда кўтарилма ва ботиқликларнинг структуравий шакли мустақил тавсифга эга бўлган – ҳудуднинг умумий кўтарилиш фонида йирик мусбат бурмачан кўтарилма шимолий-шарқга чўзилганлиги кузатилади. Ҳудуднинг шимолий қисмида чўкиндилар қалинлиги кам - 280-300 м, жанубий-шарқда эса 320-460 м кузатилади.

Умумий амплитуда қиймати 260-420 метрни ташкил қилади. Шунини қайд қилиш муҳимки палеоген ва неоген-тўртламчи даврларда ҳосил бўлган йирик шимолий-шарқга чўзилган кўтарилма куйи-ўрта юра, юқори юра ва бўр горизонтларида биринчи рутбали структуравий шаклда намоёнланмаган.

Тўртинчи бобнинг иккинчи бўлимида иккинчи рутба структуравий шаклининг “изопахит учбурчак”да намоён бўлган ривожланиш хусусиятлари баён қилинган. Иккинчи рутбадаги ҳаракат ва деформациялар шакли турлиги билан тавсифлангани қайд этилган, ҳар бир фазада ўзига хос структуравий шакллар намоён бўлгани, бу эса муҳитининг деформацияланиши турли генезис ва механизмига эгаллиги ҳақида далолат беради.

Иккинчи рутба изопахит учбурчагининг пастки қаторидаги хариталарда деформацияларнинг турли фазалари устма-уст тушиши бўйича куйи-ўрта юра горизонтидаги структуравий шакл кейинги фазаларда фақат қисман ўзгарганлиги кузатилади. Шаклнинг асосий хусусияти - шимоли-ғарбга (Бешкент эгиклигидан Каракул ботиқлигигача) чўзилган чўкиш майдони кенгайиши билан тавсифланади. Ҳудуднинг жанубий-ғарбий қисмида кўтарилиш жараёни Денгизкул кўтарилма зонасининг шаклланиши билан кузатилади.

Иккинчи қатордаги хариталарининг (кечки юра горизонтида намоён бўлган) структуравий шакллариининг таҳлили эрта-ўрта юрадаги умумий тенденциянинг сақланиб қолишини, вақти-вақти билан Бухоро ва Когон районлари оралиғида кўндаланг чўкиш зонасининг кучайишини кўрсатади. Бўр даврида чўкиш зонасининг кенгайиши ва унинг умумий чўзилишини сақланиши кузатилади. Структуравий шаклнинг бироз ўзгариши палеоген фазасида кузатилади, Муборак ва Когон районларида иккита кўндаланг чўкиш зонаси ривожланган. Бу кўндаланг зоналарнинг неоген-тўртламчи фазадаги деформациялар палеоген горизонтига устма-уст тушганда кучайиши кўринади.

Тўртинчи (палеоген) фазасида структуравий шакл қайта ишланганлиги ва аввалгилардан анча фарқ қилиши эътиборга сазовор. Худуднинг ўрта қисмида Когон кўтарилмаси ажралиб туради, шарқда субкенглик чўзалишга эга бўлган Муборак кўтарилмасига туташиб, ёйсимон кўтарима ҳоисл қилишган. Кўтарилмалар унча катта бўлмаган эгар билан бўлинган бўлиб, бу ерда Рометан эгиклиги Когон ва Денгизкул кўтарилмалари орасидан чўзилган Қарақўл ботиклиги билан бирлашади. Худуднинг жанубий қисмида шимолий-ғарбда чўзилган кўтарилма зонаси Култак, Денгизқўл ва Қандим кўтарилмаларини бирлаштиради.

